



## КИМ МАНЖУННИНГ “ТҮҚКИЗ КИШИНИНГ БУЛУТЛИ ТУШИ” РОМАНИ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сайдазимова У.Т.

Тошкент давлат шарқиунослик институты доценти

**Таянч сұзлар:** маданият, адабиёт, қаҳрамон, сирхак, ҳақ-хуқуқтар, эркинлик, конфуцийлик, кисэн-шиорлар.

XVII–XVIII аср корейс адабиётининг энг муҳим бадиий ютуқларидан бири янги адабий жанрнинг аниқроғи, нафақат инсонни бадиий акс эттиришнинг янги ёндашув жиҳатдан алоҳида фарқ қилувчи, балки ижтимоий фош қилувчи тенденциялари билан алоҳида ажралиб турувчи роман жанрининг юзага келиши ҳисобланади. Корейс тилида ёзилган ана шу жанр – илк кенг сюжетли асарлар муаллифи – таниқли корейс адеби Ким Манжун саналади.

Адеб ўзининг “Түқкіз кишининг булутли туши” романини жамиятда янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўла бошлаган, ўзининг ижтимоий мақомидан норози, фуқаролик ҳақ-хуқуқ ва кафолатларининг сақланишини тинмай талаб қилувчи кишилар салмоғи ўсиб бораётган бир паллада –XVII асрнинг охирги йилларида ёзди. Булар барчаси майда ва ўрта янбанларнинг хонавайрон бўлиши, мавжуд ҳукмронлик тартибларининг фаоллаштирилишидан норози бўлган янбан гурухлари курашининг кучайиши туфайли янада чуқурлашди. Бунинг оқибатида XVII аср ўрталарида “аниқ билимлар учун” чақиригини шиор қилиб чиққан «сирхак» ҳаракати шаклланди.<sup>12</sup> Бундай шиорнинг кўтарилиб чиқилиши бежиз эмас эди.

Ўша давр корейс жамиятига хос бўлган конфуцийлик сохта, пуч билими жамият ҳаётининг деярли барча жабҳалари, шу жумладан, мумтоз конфуцийлик китобларини схематик

равишда изоҳловчи ўрта аср илму фанини ҳам тўла эгаллаб олган эди.

“Сирхак” ҳаракати тарафдорлари аниқ фанларни ривожлантиришга йўналтирилган амалий билимларни ўзлаштиришда конфуцийликдан ошкора ажралмаган ҳолда бўлса-да, демократик йўналишдаги ғояларни қатъий илгари сурғанлар. Инсоннинг шахс сифатида жамиятда тутган ўрни ва роли, унинг жамият билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги масала улар учун ўта муҳим саналар эди. Улар ўрта асрларда адабиётни маданиятнинг ва шахснинг шаклланишида, улардаги дунёқарашнинг ўсиб, ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган туб асослар жумласига киритганлари аниқ далиллар билан исботланган.

Адабиётнинг ролини маданиятнинг муҳим бўғинларидан бири – умуминсоний қадриятларни шакллантириш феномени сифатида тавсиф этаётib, таникли тадқиқотчи Ю.Кашчук қўйидагиларни таъкидлайди: “Адабиёт даъво қилинаётган маданиятлилик маъносида эмас, ҳар бир образнинг мазмуний сифимини кенгайтирувчи маънавий изчиллик, меросхўрликка асосан тўпланган хотира маъносида ўта маданий соҳа ҳисобланади”.<sup>13</sup>

Айнан адабиёт маданиятнинг асосий таркибий қисми сифатида инсоннинг қанчалик гўзал хилқат эканлиги, жамият конунларининг қанчалик адолатсизлиги, ҳалқнинг қанчалик азоб чекаётганлиги ҳақидаги фикрларни ўкувчига етказиб беради. Адабиётнинг инсоннинг ички дунёси, маънавий қадриятларига сингиб

<sup>12</sup>Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillariga bo'lgan davr) Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. va boshq. - Toshkent: Istiqlol, 2015.

<sup>13</sup>Кашчук Ю. Возвращение перспективы//Вопросы литературы. – М., 1988. №1.



бориши ушбу даврга хос хусусиятдир. Бутун бошли авлод, ҳатто бир неча авлод тарихида инсонлараро муносабатлар, хистайғулар, ҳәётій вазиятлар акс этган иирик фундаментал асарларнинг яратилиши ана шундай трансформациялар учун тұла конуний ҳолатдир. Роман жанри шахснинг жамият билан ўзаро муносабатлари занжирида мураккаб бўғин бўлган инсон шахсини тұла акс эттириш учун барча зарур имкониятларга эга эди<sup>14</sup>.

Ким Манжуннинг новаторлиги конфуцийликка хос идеал инсон ва идеал муносабатлар схемасини инсонпарварлик нұқтаи назаридан рамкага солинганлиги билан мұхим аҳамият касб этади. У ибратли насиҳатгүйлик йұналишини инкор этмаган, бир сирхакчи сифатида адабиётнинг реал воқелик билан бирлашиши кераклиги фикрини илгари суриб, адабиётнинг ахлоқ-одобни ўргатувчи соҳа сифатида инсоннинг ҳәётій әхтиёжларига жавоб бериси лозимлигини таъкидлаган. Ким Манжуннинг романидагиқаҳрамон образыда инсоннинг ўз хуқуқ ва әркинликларини қўлга киритишга интилувчи шахсият сифатида акс эттирувчи реалиялар яққол кўзга ташланади. Бу муаммо ёзувчини чукур ташвишга солган. Чунки инсонконфуцийлик билан чегараланган тор доира (рамка)да яшаган. Ҳар бир инсон бошқаларга нисбатан муносабатларида умумқабул қилинган мажбуриятлар бўйича ишлаб чиқилган қонун-қоидаларга амал қилиши, ҳатто, айрим ҳолларда, ақлий камолот ва маңнавий-ахлоқий салоҳият жиҳатдан ўзидан анча паст бўлган кишиларнинг ҳам таҳқирлашлари, камситишларига сабрбардошли бўлиши керак бўлган<sup>15</sup>.

<sup>14</sup>Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.). – Спб.: Изд-во Санкт-Петербургского университета, 204. С. 180.

<sup>15</sup>Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo'lgan davr) Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. vaboshq. - Toshkent: Istiqlol, 2015.

Ёзувчиларнинг ўша даврга хос бўлган жиддий, оламшумул ғоялари, ҳатто асарнинг номида мужассам бўлган чукур маъно-мазмун, шак-шубҳасиз, романнинг сюжет чизиги ва тузилишини белгилаб берган. “Тўққиз кишининг булатли туши” романининг сюжети композицион тузилиши каби жуда мураккаб. Ёзувчи асардаги воқеаларни Хитойга кўчирад экан, фантастика унсурларига мурожаат қиласи. Аслида, бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик кўринмайди – бу ерда анъанавий адабий усул яққол намоён бўлади. Аслида, ёзувчи фақат шу йўл билангина ўзининг ўша давр воқелиигига бўлган танқидий муносабатини ана шундай яширин, пардаланган шаклда бериши мумкин эди. Зоро, у корейс адабиётининг инсон хақ-хуқуқларини тинимсиз поймол қилиб келган жамиятда инсоннинг ҳолати, ўрни билан боғлиқ мұхим ҳәётій муаммоларни кўтариб чиқкан илк адабиёт намояндаларидан бири эди.

Роман композициясининг ўзига хослиги сюжет ривожланишининг ўзига хослиги билан белгиланади. Романнинг муқаддимаси китобхонни азиз ва мўътабар шахслар орзу қилган жаннатмакондан келган тўққиз нафар қаҳрамон билан яқиндан таништиради. Аммо бу қаҳрамонларнинг барчаси, ҳар бири алоҳида олганда, ўзларининг баднафсликлари туфайли пок қалбларига доф туширганлар. Бу нарса муқаддас инсонларнинг жаннатмакон жойдан ер юзига, алғов-далғовлар, ёлғон ва соҳтакорликка тұла маконга келиб қолышларига сабаб бўлган. Бу ерда, яъни гуноҳкорлар яшайдиган маконда улар қайтадан туғилиб, вояга етар эканлар бу дунёга хос әхтиросларни англаб етганлар. Оқибатда уларнинг тақдирлари бу дунё билан уйғунлашиб, ер юзида барча гуноҳларни қилиб, улар яна қайтадан ўша ҳақиқий, жаннати инсонлар дунёсига қайтадилар<sup>16</sup>.

<sup>16</sup>Ўша жойда.



Ҳаётнинг мазмунини айнан ана шу нарсада кўрган роман қаҳрамони Ян Со Ю ва саккиз гўзал орасидаги ишқ-муҳаббат қиссаси асар сюжетининг асосини ташкил этади<sup>17</sup>. Ян Со Ю ҳар доим аёллар қуршовида бўлади: пойтахтга имтиҳон топшириш учун йўлда кетаётганида танишган Чин Чхэ Бои; биргаликда ишқ-муҳаббат нашъасини тотган гўзал кисэн Ке Сом Вол; уйига совчи юборган ибодатхона руҳонийси муовинининг қизи Чон Гён Пхэ; бекорчилиқда кўнгил очиб юрган хизматкор қиз Чхун Ун ва б.Ҳатто ҳарбий ҳолатларда ҳам сафарда Ян Со Ю қизларнинг юрагига ўт солишга улгуради. Ишқ-муҳаббатнинг барча лаззатини тотиб ҳузур қилишга ўрганганд Ян Со Ю ва унинг саккиз қаллиғи қилган гуноҳлари туфайли яна асл ҳолларига, бу дунёнинг аввалги қувончу лаззатлари бўлмаган ҳолатга қайтадилар.

“Тўққиз кишининг булутли туши” романи ўзининг демократик ва инсонпарварлик йўналиши билан адабиёт дунёсига кириб келди. XVII аср адабиётида илк бор ушбу асарда конфуцийлик ақидаларига асосланган никоҳ муносабатларини ўрнатишнинг мустаҳкам ўрнашган қонун-қоидаларига қарши норозилик оҳанги жаранглади.

XVII аср корейс адабиётига хос образ акс эттириш қонуниятларининг бузилиб, ўша даврдаги оила урф-одатлари, анъаналарига амал қилиб яшашни истамаган қаҳрамон образи китобхон кўз ўнгига яққол намоён бўлади: унинг саккизта хотини ва жориялари бўлиб, улардан ҳар бири ўзига хос иқтидор, истеъдод соҳибаси бўлган – бу аёллар биргаликда қаҳрамон ҳоҳлаган идеал аёл образини ҳосил қилганлари боис, бош қаҳрамон жамиятда мавжуд урф-одат, қонун-қоидаларни четлаб ўтган. Бироқ бу ерда аёлларнинг йўл қўйиб бўлмас ҳолатлари билан боғлиқ ҳаммани қизиктирадиган, ўта муҳим муаммо ниқоблаб кўрсатилган.

<sup>17</sup>Ўша жойда.

Ўрта асрларнинг охирларида корейс аёли илгариgidек ижтимоий ҳаётдан ташқарида қолган, узлатдаги ҳаёт тарзига хос умр кечирган, унинг манфаатлари тор оила ҳаёти билан чегаралаб қўйилган. Табиийки, ана шундай ҳаёт шароитлари ичida аёл кишининг даражаси эркак кишиникидан анча паст бўлган. Бу ерда ёзувчи хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси ва маданий савиясини кўтариш зарурлиги ҳақидаги ўта муҳим муаммони кўтариб чиқади. Бу билан унинг романга кисэн образи Ке Сом Вол ва бошқаларни олиб кирганлиги маълум бўлади. Гап шундаки, кисэнлар XVII – XVIII асрларда<sup>18</sup> нафақат меҳмонларни нозик рақс, қўшиқ ижролари, шеър ўқишилари билан кўнгилларини хушлаган гўзаллар бўлишган, балки янбанларга ақлзаковатлари ва саводхонлиги билан ҳам tengлаша олишган. Масалан, жуда кўп иқтидорли, истеъдодли, заковатли кисэн-шиоралар ўзларидан гўзал шеърлар мерос қолдирганлар ва бу шеърлар авлодлардан авлодларга ўтиб, натижада корейс адабиёти антологиясига кирган. Халқ орасидан етишиб чиқкан кисэн-шиораларнинг шеърларида оддий инсоннинг чуқур ҳис-туйғулари, унинг оғир изтироблари, ушалмаган орзуумидлари кўйланган. Масалан, бекиёс Хван Чжин И, мағрур ва ҳамманинг устидан кулишни яхши кўрадиган Сор И, МэХва ва бошқа бир қатор кисэнлар ҳалқ хотирасида ўчмас из қолдирган. Бу даврнинг энг илғор кишилари ўткир ақлзаковати, кенг дунёкараши, эркесварлиги ва ахлоқи билан алоҳида ажralиб турувчи кисэнлар билан мулоқотда бўлишни ўзлари учун шараф деб билганлар. Улар ўзларининг фавқулодда ички жозибалари ва ҳар қандай мавзуда сухбат қура олиш қобилияtlари билан барчани лол қолдирап эдилар.

<sup>18</sup>Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr) Saydazimova U., ChoSoYong, KimV.N. vaboshq. - Toshkent: Istiqlol, 2015.



Ким Манжун *кисэн* образларини яратар экан, уларга хос хусусиятларни ҳаётдан олади, бунда муаллиф оқила, саводхон ҳамсұхбат қизларининг йўқлигини билинтирмасликка харакат қиласди<sup>19</sup>.

Романда хур фикр, эркин тафаккур ва мустақил фуқаролик позициясини тан олмайдиган, инсоннинг ҳис-туйғулари, орзу-интилишлари ва қадр-қимматини оёқ ости қилувчи конфуцийлик риёкорлиги, иккюзламачилик жасорат билан танқид остига олинниб, фош этилади. “Тўққиз кишининг булатли рӯё” романинг демократик йўналиши билан ўрта асрлар корейс адабиётидан жадал суръат билан ўзиб кетган ва улкан ижтимоий резонансга сабаб бўлган. У нафақат ўша даврнинг илғор арбоблари, балки кейинги давр авлодлари томонидан ҳам муносиб баҳоланган. Бу ўша давр – корейс адабиёти ўз она тили, яъни корейс тилида нолегал, яширин бўлган, мамлакатда хитой тили ва адабиёти ҳукмронлик қилган даврда яратилганлиги билан ҳам фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Роман кенг шуҳрат қозонган, чунки унда ўша даврнинг никоҳ тузиш шакллари билан боғлиқ муҳим масалалари кўтариб чиқилган. Чунки никоҳ тузишда ёш келин-куёвларнинг шахсий фикрлари, истак-иродалари ва манфаатлари, тафаккур қилиш, ахлоқий қадриятлар, фуқаролик нуқтаи назарларига эга бўлиш эркинлиги инобатга олинмаган. Романда аёлларнинг саводхонлик даражасини ошириш, уларни давлат ишлари ва ижтимоий фаолиятга жалб этиш зарур эканлиги пардаланган, яширин тарзда кўрсатиб берилган<sup>20</sup>. Кўриб чиқилаётган тарихий давр корейс адабиёти учун бу ноодатий ҳол эди: романда риёкор, иккюзламачи конфуцийлик ахлоқидан норозилик, инсон шахсиятининг сунъий қашшоқлаштирилишига қарши фикрлар

ифода этилган. Феодал табақалаштиришга асосланган жамиятнинг бундай тарзда, нафрат билан айбланиши “Тўққиз кишининг булатли туши” романини XVII – XVIII аср корейс адабиётидаги оммабоп насрий жанрлардан бирига айланган йирик бадиий адабиёт дурдоналарининг дунёга келишига сабаб бўлган, бу жараённи янада жадаллаштирган катта адабий ҳодиса сифатида баҳолашга асос бўла олади<sup>21</sup>.

Романинг номида ҳам чуқур маъно мужассам: буддавийликда ер юзида хаёт “равон ётқизилган рельс” узра давом этади, деб уқтирилади. Дунёга келган ҳар бир инсон умрининг сўнгига қадар ўз йўлидан боради: бунда кимдир бойбадавлат, ўзига тўқ, кимдир эса қашшоқ, оч-яланғоч бўлади. Буддавийликка кўра, инсон дунёдан кўз юмгандан кейин изсиз йўқолиб кетмайди, хаёт тинмай давом этади, инсоннинг туғилиш ва ўлим орасида мавжуд бўлиши – арзимас, бир лаҳзалик рўёга ўхшайди. Роман номидаги “туш” компоненти олам, инсон ва унинг умри ҳақидаги буддавийлик тасаввурлари билан боғлиқ. “Тўққиз кишининг булатли туши” романикорейс адабиёти тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Жумладан, ундан кейин мустақил бадиий қимматга эга, номланишида ҳам ўша “туш” компоненти иштирок этган янги-янги тақлид-романлар юзага кела бошлади.

Ким Манжуннинг эстетик қарашлари инсоний муносабат меъёрлари, яхши фазилатлар, нуқсонлар ҳақидаги конфуцийлик тасаввурларига асосланган бўлишига қарамай, унинг романида, умуман олганда, маънавий-ахлоқий қадрият мезонлари нуқтаи назаридан демократик йўналиш яққол акс этадики, ҳар ким буни эътиборга олиши ва қатъий амал қилиши лозим. “Тўққиз кишининг булатли туши” романининг қиммати ҳам ана шунда.

<sup>19</sup> Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo'lgan davr) Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. va boshq. - Toshkent: Istimlol, 2015.

<sup>20</sup> Ўша жойда.

<sup>21</sup> Ўша жойда.



**Адабиётлар:**

1. Кащук Ю. Возвращение перспективы//Вопросы литературы. – М., 1988. №1.
2. Saydazimova U., Cho So Yong, Kim V.N. va boshq. Koreys adabiyoti (qadimgi davrdan - XX asrning 1950-yillarigacha bo‘lgan davr) Toshkent: Istiqlol, 2015.
3. Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.). – Спб.: Изд-во Санкт-Петербургского университета.

*Saydazimova U. Literary peculiarities of Kim Manchjun’s novel “Cloudy dreams of nine”. The article reveals the democratic orientation of Kim Manchjun’s novel "Cloud dream of nine". Characterized by distinctive features of novel in the approach to display the character, his position in society and views on vital problems.*

*Сайдазимова У. Художественная специфика романа Ким Манджуна «Облачный сон девятыых». В статье раскрывается художественная специфике романа Ким Манджуна «Облачный сон девяти». Характеризуются отличительные черты романа в подходе отображения героя, его положения в обществе и взглядов на жизненно важные проблемы.*

---

---